Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 137 (20. 704) • 1990 йил 17 июнь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1990 йил 18 июнь куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 17 июнь куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида ва 18 июнь эрталаб соат 8 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар зали фойесида рўйхатга олинадилар.

«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг резолюцияси

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини жумҳурият партия ташкилотларида, меҳнат жамоаларида ва оммавий ахборот воситаларида бўлиб ўтган съездолди муносаралари якунларини муҳокама қилиб, бу жуда муҳим сиёсий ҳужжатнинг долзарблигини қайд этади.

Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасини асосан қўллаб-қувватлайдилар ва у ўз мазмунига кўра ҳозирги босқичда социалистик ғояни ривожлантиради, деб ҳисоблайдилар. Ҳаракат дастурида КПССнинг қайта қуришнинг ҳал қилувчи йўналишларида ёриб ўтишни амалга оширишга, халққа муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини, ижтимоий адолат ва сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва маънавий камолоти учун имкониятни таъминлаб беришга қаратилган азму қарорига Ўзбекистон Компартияси тўла-тўкис қўшилади.

Жумҳурият партия ташкилотларидаги сайлов кампанияси даврида, шунингдек Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ишлаб турган пайтда Ҳаракат дастури юзасидан бўлган мунозара қайта қуриш тактикаси ва стратегияси юзасидан мавжуд қарашлар ва муқобил фикрларнинг хилма-хиллигини акс эттирди, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, миллатлараро муносабатлардаги кескинлик кучайиб бораётганлигидан, интизом, тартиб ва уюшқоқлик бўшашганидан, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури жуда кечикиб тайёрланганидан коммунистларнинг ўринли ҳавотирланганини ошкор этди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди Ҳаракат дастурининг бир қанча қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қилиш зарур, деб ҳисоблади.

Ҳужжатда коммунистларни, совет кишиларини жуда қизиқтираётган муаммо — биз қандай жамият қураяпмиз, унинг ҳозирги капиталистик жамиятдан афзаллиги ва фарқи нимадан иборат, — деган муаммо тўғрисида далил-исботлар билан ишонарли тарзда баён этилиши керак. Ҳаракат дастурида мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойлашиши, партиянинг ижтимоий негизи ва кўзлаган мақсадларини аниқ ифодалаш лозим. КПСС ўзини янгилашнинг яқин даврида ва истиқболда қандай мақсадларни ўртага қўйиши, у кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, турли синфлар ва ижтимоий гуруҳлар унинг сиёсатидан нималарни кутишлари мумкинлиги аниқ айтилиши, кўп партиялиликка ўз муносабатини билдириши керак.

Жумҳуриятларнинг ўзига хос хусусияти — турмушнинг вужудга келган миллий уклади, анъаналар, урф-одатлар, фикрлаш тарзи, маънавий қадриятларнинг идрок этилиши ҳозирги шароитда жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб, шу нарса КПСС XXVIII съездининг дастурий ҳужжатида акс эттирилиши, инсонпарвар, демократик социализм сари олға силжиш йўллари ва усуллари белгилаб берилиши лозим.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтилиши ва биринчи галда аҳолининг кам даромадли табақалари ижтимоий аҳволининг ёмонлашиши эҳтимоли борлиги муносабати билан Ҳаракат дастури III бобининг қоидалари жиддий равишда қайта ишлаб чиқилиши керак, шундай қилиш Ўзбекистон учун айниқса зарурдир. Мана шундай шароитда КПСС меҳнаткашлар манфаатларини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда ўз мавқеини белгилаб олиши лозим.

КПСС мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясини белгилаш билан бирга ўзининг дастурий ҳужжатида иттифоқдош жумҳуриятлар бозор муносабатларига ва иқтисодий мустақилликка ўтишида уларнинг дастлабки имкониятлари ҳар хиллигидан иборат муҳим жиҳатни ҳам акс эттириши лозим, Шу билан бирга аҳолининг даромадларидаги, ижтимоий шароитларидаги номутаносибликларни солиқ, кредит соҳасида оқилона сиёсат ўтказиш орқали, нарх-наво системасини ва давлат буюртмаларининг ҳажмларини қайтадан кўриб чиқиш орқали бартараф қилиш йўлини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. КПССнинг мулкчиликка, шу жумладан ер ва табиий бойликларга нисбатан тутган позициясига ҳам мамлакат турли регионларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, аниқлик киритиш талаб қилинади.

«Янги федерация сари» бўлимида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидаларига, шарт-шароитларига, миллий-умуммиллий манфаатларнинг нисбатига партиянинг ёндашувлари равшанроқ баён этилиши, Иттифоқ билан жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатларига нисбатан КПССнинг позицияси янада аниқ белгиланиши, бунда ҳар бир иттифоқдош жумҳуриятга ҳақиқий ва тенг сиёсий ҳамда иқтисодий суверенитет берилишини назарда тутиш, шу ўринда Иттифоқ шартномасининг асосий қоидаларини таърифлаб бериш керак.

«Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Коммунистик партиялари тўғрисида»ги бандга доир аниқликлар киритилиши лозим. «Иттифоқдош жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги» тушунчасини аниқ белгилаб бериш зарур, бу тушунча ташаббускорлик ва ижодкорлик учун имкониятни, КПСС дастурига ва Уставига зид келмайдиган ўз дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутиши керак.

КПССнинг мазкур Ҳаракат дастурида ҳуқуқий кафолатларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш хусусидаги позициясида шуни тан олиш керакки, бундай кафолатлар ўтмишда бўлмаганлиги ва ҳозирги вақтда ҳам йўқлиги фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари оёқ ости қилинишига, оммавий жабр-зулмларга, қонунийликни қўпол бузиш ҳолларига олиб келдики, бу нарса Ўзбекистон мисолида айниқса яққол кўринди.

Сўз ва диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қоидага аниқликлар киритилиши керак. Ҳаракат дастурида уқтирилганидек, партия ўзининг дунёқараши мавқеаларидан қайтмайди, у мана шу мавқеаларни қаттиқ туриб, далил-исботлар билан ҳимоя қилади, деб айтишнинг ўзи кифоя эмас. Бундан ташқари партиянинг диний ташкилотларга муносабат соҳасидаги йўлини аниқлаш керак, бу ташкилотлар одамлар ўртасидаги муносабатларга ҳисса қўшишдан ташқари инсонпарварлик онгини шакллантиришга, маънавийлик ва ахлоқийликни тарбиялашга фаол таъсир ўтказиши, тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши мумкин.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди КПСС XXVIII съезди номига жумҳурият коммунистларининг амалий таклифларини юбориш лозим, деб ҳисоблайди ва мамлакат коммунистлари олий анжуманининг якунловчи ҳужжатини пухта равишда ишлаб чиқиш чоғида бу таклифлар эътиборга олинади, деб ишонч билдиради.

КПСС УСТАВИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди съездолди мунозараси якунларини чиқарар экан, КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан жумҳурият партия комитетларига, оммавий ахборот воситаларига коммунистлардан ўн минглаб хатлар, партия йиғилишлари ва конференцияларининг қарорлари ҳамда мурожаатномалари келганини қайд этади.

Съезд жумҳурият коммунистларининг коллектив фикрини ифодалаб, Ўзбекистон Компартияси КПССнинг ғоявий ва ташкилий бирлиги позицияларида қатъий турганини билдиради, марксизм-ленинизм ғояларига, инсонпарвар, демократик социализм қуриш ишига, байналмилалчилик, барча миллат ва элат меҳнаткашларининг дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги қоидаларига содиқ бўлиб қолаётганини таъкидлайди.

Съезд иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Устав лойиҳасида таклиф қилинган янги мақомини қўллаб-қувватлайди. Улар янгиланган КПСС таркибида ўзларининг дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, коммунистларнинг фикрига ва жумҳурият манфаатларига асосланиб, ўз сиёсий ва амалий фаолиятининг устун жиҳатларини белгилаш, барча ташкилий, кадрлар, штатларнинг ўзгаришлари, молиявий масалаларни ва партия турмушининг бошқа масалаларини мустақил ҳал этиш, нашриётчилик фаолияти билан шуғулланиш, бошқа партиялар, шу жумладан чет эл партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа боғлаб туриш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Съезд ҳисоблайдики, КПСС Уставининг лойиҳаси партиянинг ролини ва унинг ҳозирги босқичдаги сиёсий вазифаларини янгича тушунишга асосан мос келади. Унда партия ташкилотларининг ташаббусини, фаоллигини ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратиб қўйилган, партиянинг сиёсати ва фаолиятида партиялилар оммасининг ҳақиқий ҳокимиятини ўрнатиш имконияти кенгайтирилган. Устав лойиҳасидаги демократиялашга, ошкораликни, коллегиячиликни кенгайтиришга, ички партия турмушида чинакам партиявий ўртоқликни қайта тиклашга қаратилган қоидаларни коммунистлар мамнуният билан кутиб олдилар.

Шу билан бирга съезд КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан бир қанча жуда муҳим таклифлар киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

Партиянинг сиёсий моҳияти тўғрисидаги қоидани аниқроқ таърифлаш, унинг ижтимоий базасини равшанроқ белгилаб бериш лозим. КПСС ўз моҳияти ва руҳи жиҳатидан, кундалик амалий ҳаракат жиҳатидан ленинча, пешқадам типдаги оммавий партия бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартиясининг съезди Уставда партиянинг ташкилий негизи бўлмиш демократик марказчилик қоидасини янгилаш, янги мазмун билан тўлдириш ва аниқ белгилаб бериш тарафдоридир. Ҳозир, сиёсат майдонида кўпдан-кўп жамоат ҳаракатлари пайдо бўлган ва партия ҳақиқатда кўп партиялилик шароитида ишлаётган бир пайтда унинг ташкилий бирлиги, партиявий интизом бўшашиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Жумҳуриятларнинг коммунистлари аксариятининг фикрича, демократик марказчилик қоидасининг емирилиши ҳаракат бирлигини қийинлаштиради, партиявий тузилмаларнинг заифлашувига олиб боради.

Партиянинг раҳбар органларига янги кучлар доимо келиб туришини таъминлаш мақсадида съездлар (ҳисоботсайлов конференциялари) ўртасидаги даврда ўтказиб туриладиган партия конференциялари, шу жумладан КПССнинг Бутунииттифоқ конференцияси сайлаб қўйилган органларнинг аъзоларини алмаштириш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилсин.

Съезд Уставда юқори партия органларининг қуйи органлар олдида, ўз партия ташкилотларидаги коммунистлар олдида ҳисоб бериб туришлари муддатлари ва тартиби аниқ белгилаб қўйилиши, шу тариқа партия комитетларининг фаолиятида ошкоралик қоидаси норматив тарзда мустаҳкамланиши зарур, деб ҳисоблайди.

Компартия съезди КПСС XXVIII съездига янги Уставнинг муҳокамаси доирасида:

— КПССнинг марказий органларини тенг шароитларда вакиллар юбориш йўли билан иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг вакиллиги қоидалари асосида тузиш, уларнинг ўз вакилларини съездлар ва конференциялар қарорига, улар ўртасидаги даврда эса тегишли партия комитетлари пленумларининг қарорига биноан чақириб олиш ва алмаштириш ҳуқуқи тўғрисидаги;

— КПСС марказий органларининг умумпартиявий, шунингдек уларнинг фаолиятига алоқадор қарорларини ишлаб чиқишда иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг албатта иштирок этиши, бунинг учун мазкур қарорлар сайлаб қўйилган органларда ёки жумҳуриятларнинг бошланғич партия ташкилотларида олдиндан албатта муҳокама қилиниши тўғрисидаги таклифларни киритиш зарур, деб ҳисоблайди.

Фақат тавсия тусидаги қарорларгина бу тартиб-қоидадан ташқари қабул қилиниши мумкин.

Съезд бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллигини ошириш йўлини қўллаб-қувватлаб, корхоналардаги, ўқув юртларидаги, давлат муассасаларидаги, қуролли кучлардаги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги партия ташкилотларини тугатиш тўғрисидаги таклифларни қатъиян рад қилади, шунингдек уларни тузиш, шакллантириш ва бекор қилиш тартибини аниқроқ белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Съезд партияга қабул қилишга жўн ёндашув Устав лойиҳасига асос қилиб олинганига қарши эътироз билдиради ва Уставда партияга қабул қилиш масалаларини узил-кесил ҳал этиш ҳуқуқини партия комитетларига эга бўлган бошланғич партия ташкилотларига беришни, қолган партия ташкилотлари учун эса уларнинг қарорларини албатта район (шаҳар) партия комитети тасдиқлашини кўзда тутишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бошланғич партия ташкилотлари КПССга киришни хоҳловчиларни текширишнинг у ёки бу усулларини, шу жумладан номзодлик стажини, топшириқ бериш системасини ва номуносиб кишиларнинг партия сафларига суқулиб киришидан уни муҳофаза қиладиган бошқа шарт-шароитларни ўзлари белгилаш имкониятига ҳам эга бўлишлари керак.

Съезд КПСС Уставида партиянинг асоси бўлмиш бошланғич партия ташкилотигина эмас, шу билан бирга партиянинг асосий бошланғич территориал таянч бўғини бўлмиш район (шаҳар) партия ташкилотининг мақомини, шунингдек бошланғич партия ташкилотларига имкони борича кўпроқ мустақиллик берилишини ҳамда демократик марказчилик қоидаси асосида умумпартиявий вазифаларни ҳал қилиш учун уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлигини ҳисобга олиб, уларнинг ўзаро муносабатларини ҳам аниқроқ белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Съезд КПСС Уставида «Назорат-тафтиш комиссиялари» деган мустақил бўлим бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Сайлаб қўйилган партия органларининг ишини кучайтириш учун Устав лойиҳасига шу органлар аъзоларининг бир қисми партия комитетлари тузадиган доимий асосдаги комиссияларда ишлашлари, партия маблағидан маош олиб туришлари тўғрисидаги қоида киритилсин. «Партиянинг мулки ва пул маблағлари» бўлимида партия комитетларининг мустақил ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти олиб бориш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилсин. Аъзолик бадалларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қуйи партия бўғинларида қолдириш зарурлиги ҳақида коммунистлар билдирган фикрни қувватлаб, съезд бу маблағдан фойдаланиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқини бошланғич, район, шаҳар партия ташкилотларининг коллегиал органларига беришни таклиф қилади.

Ўзбекистон Компартиясидан КПСС XXVIII съездида қатнашадиган делегатларга мазкур таклифларни съезд муҳокамасига қўйиш ва уларнинг қабул этилишига эришиш топширилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимиятининг олий органларига

Ҳурматли халқ депутатлари!

СССР Олий Советининг ушбу мурожаатномасини мамлакат ҳал қилишга киришган вазифаларнинг характери ва хусусиятлари тақозо этган, сайловчилар олдида, бутун халқ олдида, унинг ҳозирги даври ва келажаги олдида сиз билан бизнинг умумий масъулиятимизни англаш тақозо этган.

Ҳозир давлатимиз тарихида энг қийин маррани ўтишимиз лозим, бу маррада бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олмай, бинобарин, умуман мамлакат манфаатини ҳисобга олмай ёлғиз ҳолда тангликдан чиқиш йўлларини излаш истаги давлатимиз мавжудлигига реал хавф солиши мумкин. Ҳолбуки, ана шу манфаатларни ва уларнинг балансини ҳисобга олиш ҳаммамиз учун мақбул мақсадларга эришиш мумкин бўлган бирдан-бир йўлдир. Акс ҳолда совет жамияти иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тарзи, Совет давлати вайрон бўлишининг олдини олиб бўлмайди.

Фақат биргаликда, фақат қалин ҳамкорликда муваффақиятга эриша оламиз. Кўп миллатли мамлакатимизда тараққиётни бўлиб бўлмайди. Равшанки, бу ҳамма баравар қадам ташлаши, фақат бир буйруққа бўйсуниши керак деган маънони билдирмайди, совет социалистик республикалари мустақиллигини мутлақо камситмайди.

Шунинг учун ҳам биз, мамлакатдаги барча жумҳуриятларнинг, ҳамма мухтор ва ҳудудий тузилмаларнинг вакиллари бўлган СССР халқ депутатлари сизларни халқларимиз бахт-саодати йўлида биргаликда амалий иш олиб бориш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга чақирамиз.

Ҳозирги вақтда энг аввало янгиланган федерациямиз — мустақил социалистик давлатлар иттифоқи биноси қурилаётган пойдеворни мустаҳкамлашимиз зарур. Умумиттифоқ бозори ана шундай пойдевор бўлиши лозимки, уни фақат биргаликдаги куч-ғайратлар билан, товарлар ва ғоялар нинг эркин ҳаракати бўлган, Иттифоқ резерв системалари — ҳар бир Совет Республикасининг манфаатларини кафолат билан ҳимоя қиладиган ресурслар, молия, меҳнат системаларининг яхши созланган воситалари бўлгандагина барпо этиш мумкин.

Мамлакат иқтисодиёти ўзаро алоқаларини акс эттирадиган ва ривожлантирадиган умумиттифоқ бозорини шакллантириш миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги даврдаги воқелигига мос келадиган Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун, ССР Иттифоқининг шартномавий асосларини мустаҳкамлаш учун янги омил бўлади. Бунинг учун бизнинг ихтиёримизда етарли даражада мустаҳкам ҳуқуқий база мавжуд, бу база сўнгги вақтда СССР Олий Совети қабул қилган қонунлардан таркиб топади, бу соҳада совет федерацияси барча субъектларини биргаликда излашда, шубҳасиз янгича ёндашувлар ҳам, ечимларнинг янги вариантлари ҳам топилиши мумкин.

СССР Олий Совети сизларни умумиттифоқ бозорини барпо этишнинг, федерациямизни янгилашнинг, янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашнинг қонун принципларини ишлаб чиқишда ўзаро келишиб куч-ғайрат сарфлашга даъват этади. Бунинг учун Иттифоқ органлари, комитетларимиз ва комиссияларимиз, СССР халқ депутатлари тўплаган қонун лойиҳаларини тайёрлаш тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

Биз барча иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг Олий Советларини, уларнинг комитетлари ва комиссияларини ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракат қилишга чақирамиз, бу ишга таниқли иқтисодчиларни, снёсатчиларни, социологларни, ҳуқуқшуносларни жалб этишга, ҳар бир фикрни, ҳар бир амалий ғояни эшитишга, муҳокама қилишга ва ҳисобга олишга тайёрмиз.

Келинглар, ҳамкорлик қилишга умумий иродамизни намоён этайлик, бундай ҳамкорликда ютқазганлар ҳам, камситилганлар ҳам, ҳафа қилинганлар ҳам бўлмайди.

Шу даъват билан сизларга, сизлар орқали эса Ватанимиз манфаатларини қадрлайдиган ҳамма кишиларга мурожаат қиламиз. Ишончимиз комилки, биргалашиб, бир-биримизга мадад бериб, ғоялар ва тажрибаларни бир-биримизга ўргатиб, ҳеч ким ёлғиз уддалай олмайдиган шу қийин йўлдан муваффақият билан ўта оламиз.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида 1990 йил 14 июнда қабул қилинган.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги

Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев 15 июнь куни Тошкентда бўлди.

У Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов билан суҳбатлашди. Икки қардош республика ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга тааллуқли кўп масалалар кўриб чиқилди.

Суҳбатдошлар яқинда бўлиб ўтган Қозоғистон Компартияси XVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари тўғрисида, КПСС XXVIII съездига тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. Компартиялар ўртасидаги муносабатлар партиявий ўртоқлик ва қардошлик принциплари асосида ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганлиги таъкидланди. Қозоғистон ва Ўзбекистон коммунистлари ўз анжуманларида жумҳуриятларнинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, жамиятни жипслаштирувчи, уни миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги марраларига олиб чиқишга қодир бўлган куч сифатида ҳаракат қилаётган ўз партиялари мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлларни ва амалий ҳаракатларни белгилаб олдилар. Улар КПССни парчалаб юборишга ҳар қандай уринишларга қарши чиқмоқдалар, партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлигини ҳимоя қилмоқдалар.

Суҳбатда қайта қуришнинг долзарб муаммоларига, хусусан бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига катта аҳамият берилди. Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти сари фақат умумхалқ қўллаб-қувватлаган, ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари билан бориш кераклиги, юз бераётган ижтимоий-иқтисодий вазият, қўшни республикаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши таъкидланди.

Н. А. Назарбоев билан И. А. Каримов Қозоғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги тарихий таркиб топган яхши қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам дўстлик ва қардошлик асосида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

Н. А. Назарбоев Ўзбекистон пойтахтида бўлган вақтида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

(ЎзТАГ).

Суратда: Тошкент аэропортида учрашув пайти.
Б. Юсупов олган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

16 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жумҳуриятнинг иқтисодий мустақилликка ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиши масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, жумҳурият Министрлар Совети ва Давлат план комитетининг масъул ходимлари, жумҳурият Олий Совети доимий комиссияларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг, давлат комитетларининг, катта корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, олимлар, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти партия, совет ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов тўпланганлар ҳузурида нутқ сўзлади. Мамлакатда юз берган ҳозирги ғоят мураккаб вазиятда иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилиниши биринчи даражали аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади у. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ўртага қўйган вазифалар орасида жумҳуриятнинг чинакам сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари бор. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши Ўзбекистонга ўз халқи фаровонлигини оширишга доир ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилишга, барпо этилган имкониятлар ва ресурсларни жумҳурият меҳнаткашлари манфаатларини кўзлаб режалаштиришга ва фойдаланишга, марказ, бошқа жумҳуриятлар ва чет мамлакатлар билан ўзаро алоқаларини ўзаро манфаатли асосда мустақил қуришга имкон беради.

Ўртага қўйилган муаммолар юзасидан очиқчасига амалий тарзда батафсил гаплашиб олинди. Президент Фармони билан хомашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси — «Узглавлегснабсбит» ҳамда жумҳурият ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар давлат комитети тузилганлиги Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллиги ва суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлашга доир дастлабки аниқ қадамлар бўлди.

Кенгашда Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери Ф. П. Юсупов, ташқи иқтисодий банк бошқаруви раиси Н. К. Каримов, жумҳурият маҳаллий саноат министри В. А. Чжен, Олмалиқ химия заводининг директори М. М. Мирхўжаев, бинокорлик материаллари саноати министри И. Н. Искандаров, халқ таълими министрининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. М. Акромхўжаев сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида жумҳурият Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларида

Маданият, фан, халқ таълими ва тарихий обидаларни асраш ва миллатлараро, тил ва байналмилал тарбия доимий комиссиялари Ўзбекистон ССР Давлат мадҳияси матнини ёзиш юзасидан ўтказиладиган конкурснинг аввал белгиланган бир ойлик муҳлати қўйилган жиддий вазифага муносиб мукаммал шеърий асар яратиш учун етарли эмас, деб топдилар.

Шоирларимизнинг чинакам ижодий мусобақаси учун тўлиқ имконият яратиш ва конкурсда кўпроқ муаллифларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида конкурснинг муҳлати шу йилнинг 15 сентябригача узайтирилади. Мадҳиянинг конкурсда ғолиб чиққан шеърий матни Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқилгандан сўнг унинг мусиқасини яратиш учун ўтказиладиган конкурсга алоҳида муҳлат белгиланади.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг қарори

СССРда БОШҚАРИЛАДИГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ РЕЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. И. Рижковнинг «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий режалари тўғрисида»ги маърузасини тинглаб ҳамда иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан амалга оширишга алоҳида аҳамият бериб, **қарор қилади:**

1. Бозор муносабатларига ўтиш туб иқтисодий ислоҳотнинг бош мазмуни деб ҳисоблансин.

СССР Министрлар Совети:

СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий режаларига иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари ишлаб чиққан тавсияларни, СССР Олий Совети учунчи сессиясида айтилган таклифларни ҳисобга олиб тўлдирсин ва ўзгаришлар киритсин;

бошқариладиган бозор иқтисодиёти структураси ва механизмини шу йилдан бошлаб шакллантиришга доир тадбирларнинг ўзаро боғлиқ йўналишлари ва муддатлари режаларини, шу жумладан молия-кредит ва нарх снёсатига янгича ёндашувларни, СССР Иттифоқи халқ хўжалигини бошқариш идоралари системасини ўзгартиришга доир таклифларни, бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари фаразларини 1990 йил 1 сентябргача тақдим этсин;

тугалланмаган қурилишлар ҳажмини, мудофаага ажратиладиган маблағни, давлат аппаратини сақлашга ажратиладиган маблағни, чет давлатларга ёрдам беришни қисқартириш, ортиқча моддий запасларни сотиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида тежамкорликни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириш ҳисобига бюджетдаги камомадни қисқартиришни кўзда тутсин.

СССР ҳукумати тақдим этган материаллар, шу жумладан бу материалларнинг ўхшаш вариантлари ҳамда улар юзасидан СССР Министрлар Совети чиқарган хулосалар сентябрь ойи давомида СССР Олий Советининг комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида таниқли олимлар жалб этилиб, олдиндан кўриб чиқилсин.

2. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий режаларини 1990 йил 1 сентябрга тўғрисида ўз сессияларида кўриб чиқиш тавсия қилинсин. СССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган аҳолининг, айниқса камбағал тоифаларнинг, шунингдек фуқароларнинг жамғармалари, хайрия жамғармалари бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтилиши ва нарх ислоҳоти муносабати билан ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатларига доир таклифларни муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

СССР Министрлар Совети СССР Олий Советининг комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда бўлиб ўтган муҳокама натижаларини 1990 йил 1 сентябрга қадар умумлаштирсин.

3. СССР Министрлар Совети бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шартларини таъминлаш мақсадида бунинг учун зарур қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларнинг тайёр бўлишига қараб 1990 йил август-октябрь ойларида СССР Олий Советига тақдим этсин.

СССР Олий Советининг Президиуми Иттифоқ ва республика даражаларида устунлигига қараб ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатлари рўйхатини 25 июнга қадар иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органлари билан келишиб олсин.

4. СССР Олий Совети Президумига, СССР Министрлар Советига, СССР Олий Советининг комитетларига ва палаталарнинг доимий комиссияларига СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қабул қилган қарорларнинг, мулкчилик, ер, СССРдаги ижара муносабатлари ҳақидаги, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий муносабатлари асослари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик, СССРдаги корхоналар тўғрисидаги қабул қилинган ва кучга кирган қонунларнинг ҳамда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиш топширилсин.

СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида СССР ҳукуматининг мазкур қонунлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи эшитилсин.

5. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарур шарт-шароитларини сира кечиктирмай вужудга келтириш мақсадида мулкчилик, ер тўғрисидаги, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг асосий иқтисодий муносабатлари, СССРда ижара муносабатлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик ҳақидаги қонунларни, аввало кичик корхоналарни ривожлантириш, хўжалик фаолияти ва соҳибкорлик эркинлиги, мулкни давлатдан бегоналаштириш ва маҳаллийлаштириш, монополияга қарши тадбирлар, акционерлик жамиятлари ва бошқа ширкатлар, давлат эҳтиёжлари учун ишлар ва маҳсулот етказиб бериш, СССРда банк фаолияти, СССРда соғлиқни сақлаш, маориф, фан ва маданиятнинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш юзасидан СССР Президентига фармонлар чиқариш тавсия қилинсин ёки СССР Министрлар Советига қарорлар ва муваққат низомлар қабул қилиб, 1990 йил 1 июлдан кучга киритиш топширилсин.

6. СССР Министрлар Совети корхоналар ва ташкилотлардан бошлаб хўжаликни бошқаришнинг ҳамма даражаларида 1991 йил иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш планларини ишлаб чиқишни ташкил этсин. Бунда СССР Олий Совети қабул қилган ҳамда кўриб чиқаётган хўжалик фаолияти, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар ўзаро муносабатларининг, умумиттифоқ бозорини шакллантиришнинг янги қонун асослари, ижтимоий, маданий соҳаларни ривожлантиришга, экология вазиятини яхшилашга оширилган талаблар, СССР халқ депутатларининг СССР Олий Совети учинчи сессиясида айтган таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинсин.

1991 йилда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат плани ва бюджети лойиҳалари 1990 йил октябрида СССР Олий Советига тақдим этилсин.

СССР Давлат план комитети, СССР Молия министрлиги 1991 йилда мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат плани ва бюджети лойиҳаларига доир материалларни СССР Олий Советининг тегишли комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида олдиндан кўриб чиқиш учун 1990 йил 15 сентябрдан кечиктирмай топширсин.

7. Бошқариш ва планлаштириш системасидаги принципиал ўзгаришлар, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини 1992 йил планини тайёрлаш билан бир вақтда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 13 июнь.

СССР Олий Советининг қарори

СССР ҳукуматининг нон ва нон маҳсулотлари чакана нархларини оширишга доир таклифлари ҳақида

СССР Олий Совети СССР ҳукуматининг нон ҳамда нон маҳсулотлари чакана нархларини оширишга, давлат бюджети маблағи ҳисобидан аҳолига олдиндан ва пул билан тўла товон тўлашга доир таклифларини кўриб чиқиб, бу таклифларни қабул қилиш иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органлари билан биргаликда албатта кўриб чиқиш ва келишиб олишни талаб қилади, деб ҳисоблайди.

Ана шуни ҳамда СССР Олий Совети 1989 йил 31 октябрда қабул қилган «1990 йилги СССР Давлат бюджети тўғрисида»ги СССР Қонуни ҳамда СССР Олий Советининг 1989 йил 20 ноябрдаги «Истеъмол бозорини барқарор этиш ва нархлар устидан давлат назоратини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан 1990 йилда кундалик эҳтиёж моллари, шу жумладан нон ва нон маҳсулотлари, ёрма, дуккакли, макарон маҳсулотлари нархини ошириш тақиқлаб қўйилганлигини ҳисобга олиб, нон ҳамда нон маҳсулотлари нархларини ошириш масаласини иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари ҳамда Министрлар Советлари билан биргаликда ишлаб чиқиш ва келишиш СССР Министрлар Советига топширилсин ҳамда уларнинг таклифлари асосида ва шу таклифларни ҳисобга олган ҳолда бу масала СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида қайтадан муҳокама қилинсин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 14 июнь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССРдаги КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун товар-пул муносабатлари ва бошқариладиган бозор тараққиёти шароитида мулкчилик шакллари ва унинг фаолияти хилма-хиллигида корхоналарни ташкил этишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, хўжалик фаолиятини амалга оширишда унинг ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилаб беради, корхонанинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, халқ депутатлари Советлари, давлат бошқарув идоралари билан муносабатларини тартибга солади, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқа қонунлари билан биргаликда амал қилади.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Корхона ва унинг асосий вазифалари**

1. Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мол-мулкдан меҳнат жамоаси фойдаланиши асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган, иш бажарадиган, хизмат кўрсатадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади. Корхона ўз таркибида бошқа ҳуқуқий шахсга эга бўлмайди.

Корхона мулк ва ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик ҳисоби усулида иш олиб боради.

2. Ўз маҳсулотн, ишлари, хизматларига жамоат эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳамда олинган фойда асосида меҳнат жамоаси аъзоларининг иқтисодий манфаатларини ва корхона мулки эгаси манфаатларини амалга ошириш корхонанинг асосий вазифаларидир.

3. Корхона агар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар қонун ҳужжатларида тақиқлаб қўйилмаган бўлса, корхона Уставида кўзда тутилган мақсадларга мос келадиган хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошира олади.

Рўйхати ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турлари билан корхона фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида шуғулланиши мумкин.

2-модда. **Корхоналар турлари**

1. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунида белгилаб қўйилган мулкчилик шаклларига мувофиқ қуйидаги турдаги корхоналар иш олиб бориши мумкин:

совет фуқароларининг мулкига асосланган якка, оилавий корхона;

коллектив мулкка асосланган коллектив корхона; кооперативга тегишли ишлаб чиқариш кооперативи, корхонаси; акционерлик жамияти ва ўзга хўжалик жамияти ёки ширкати шаклида тузилган ёхуд ана шундай жамият ёки ширкатга тегишли корхона; жамоат ташкилотининг корхонаси; диний ташкилотнинг корхонаси;

давлат мулкига асосланган давлат Иттифоқ корхонаси; давлат жумҳурият (иттифоқдош жумҳурият) корхонаси; автоном жумҳурият, автоном вилоят, автоном округ корхонаси; давлат коммунал корхонаси.

2. Қўшма корхона унинг ҳуқуқий шахс ҳуқуқидан фойдаланадиган муассислари мол-мулкини бирлаштириш асосида барпо этилади. СССР қонунларига мувофиқ қўшма корхона муассислари орасида хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар бўлишлари мумкин.

3. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик оборот ҳажмига ва ундаги ходимларнинг сонига мувофиқ корхона кичик корхоналар қаторига киритилиши мумкин, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, корхоналарнинг бу турига киритиш тартиби СССР қонунлари билан белгилаб берилади.

4. СССРда корхоналарнинг бошқа турлари, жумладан, тузилиши СССРнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ижара корхоналари иш олиб бориши мумкин.

3-модда. **Корхоналарнинг бирлашмалари**

1. Корхоналар ихтиёрийлик асосида иттифоққа, хўжалик уюшмаларига, концернларга ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, тегишли давлат органлари ва ўзга органларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида тармоқ, территориал ёки ўзга принцип асосида бошқа бирлашмаларга қўшилишлари мумкин. Корхоналарнинг ўзаро келишилган қарорига мувофиқ айрим ишлаб чиқаришхўжалик вазифаларини ва бошқа вазифаларни марказлаштирилган тартибда бажариш бирлашма зиммасига юклатилиши мумкин. Мазкур тузилмалар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган монополияга қарши талаблар ҳисобга олиниб тузилади.

Бирлашма унинг муассислари тасдиқлаган Устав асосида ҳаракат қилади. Мазкур ташкилий тузилмалар таркибига кирувчи корхона мустақиллигини, ҳуқуқий шахс ҳуқуқини сақлаб қолади ва ушбу Қонун уларга нисбатан ҳам амал қилади.

2. Бирлашмалар ушбу Қонунда корхоналар учун белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Бирлашма ҳуқуқий шахс бўлиб мустақил ва қўшма балансга, банк муассасасида ҳисобкитоб ва бошқа ҳисоб варақаларига, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

3. Бирлашма унинг таркибига кирувчи корхона мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, корхона эса таъсис шартномаси (Уставида) ўзга ҳолат кўзда тутилмаган бўлса бирлашма мажбурияти юзасидан жавоб бермайди.

4. Бирлашмага кирувчи корхона тузилган шартномага мувофиқ бирлашма таркибига кирган корхоналар олдидаги мажбуриятини сақлаб қолган ҳолда унинг таркибидан чиқишга ҳақлидир.

5. Бирлашма унга кирган корхоналарнинг қарорига мувофиқ тугатилади. Бирлашма корхонани тугатиш учун белгилаб қўйилган тартибда тугатилади. Бирлашма тугатилгандан кейин қолган мол-мулк бирлашма Уставига мувофиқ унинг қатнашчилари ўртасида тақсимланади.

4-модда. **Корхона тўғрисидаги қонунлар**

1. Давлат корхонаси ушбу Қонунга ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг бошқа қонунларига амал қиладилар, мулкчиликнинг ўзга шаклларига асосланган корхоналар эса ушбу Қонунга ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг бошқа қонун ҳужжатларига, ана шу ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда эса СССР Министрлар Кенгашининг, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар Министрлар Кенгашларининг қарорларига ҳам амал қиладилар.

2. Фаолияти ишни ташкил этиш ва хавфсизлигига оширилган талаблар билан боғлиқ бўлган, технология жараёнлари узлуксиз давом этадиган, шунингдек, бошқарув вазифаларини марказлаштириш зарурати шарт бўлган давлат Иттифоқ корхоналарининг айрим турлари учун ушбу Қонунни қўлланиш хусусиятларини, бундай корхона турлари рўйхатини СССР Министрлар Кенгаши аниқлаб беради.

3. Совет ҳуқуқий шахслари билан хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

II БЎЛИМ. КОРХОНАНИ БАРПО ЭТИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5-модда. **Корхона барпо этишнинг умумий шартлари**

1. Корхона мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил қилган орган, корхона, ташкилот қарори билан ёки ушбу Қонунда ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда меҳнат жамоасининг қарори билан тузилади.

2. Корхона ишлаб турган корхона, ташкилотдан битта ёки бир нечта тузилма бўлинмаларининг мазкур бўлинма (бўлинмалар) меҳнаткашлар жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мулки эгасининг (вакил қилинган орган, корхона, ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари қабул қилган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланса тузилиши мумкин.

3. Корхона бирлашма меҳнат коллективининг қарорига кўра, унинг таркибий бирлиги негизида тузилиши ва мазкур таркибий бирликнинг бирлашма олдидаги мажбуриятлари сақлаб қолиниши мумкин.

4. Корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани халқ депутатлари тегишли Совети, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса тегишли экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан дастлабки фойдаланувчи томонидан ҳам берилиши мумкин. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини беришни рад этиш устидан ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

5. Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади.

6-модда. **Корхоналарнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши**

1. Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, агар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, корхона жойлашган ердаги халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Совети ижроия комитети томонидан амалга оширилади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ягона давлат реестрига қўшиш учун ўн кун муддат ичида СССР Молия министрлигига хабар қилинади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун халқ депутатлари тегишли Совети ижроия комитетига бу корхонани барпо этиш тўғрисидаги қарор, Устав ҳамда СССР Министрлар Кенгаши белгилаб қўядиган рўйхатга доир бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилиши халқ депутатлари тегишли Совети ижроия комитетига зарур ҳужжатлар илова қилиниб, ариза топширилган пайтдан бошлаб узоғи билан 30 кунда амалга оширилади.

3. Корхоналарни барпо этишнинг ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек, таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Корхонани барпо этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги важи билан уни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса ёки корхона муассиси асоссиз, деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рўйхатдан ўтказиш рад этилган бўлса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

4. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб қўйилган миқдорда ҳақ олинади. Олинган маблағ халқ депутатлари Совети ижроия комитети томонидан корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги район, шаҳар, шаҳардаги район бюджетига ўтказилади.

7-модда. **Шўъба корхоналар ва корхоналарнинг алоҳида бўлинмаларини барпо этиш**

1. Корхона ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек, филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ҳамда жорий ва ҳисоб-китоб варақалари очиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмалар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди.

2. Бундай корхоналар ва бўлинмаларни жойлаштириш тўғрисидаги масала халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советлари билан корхоналар тузиш учун белгиланган тартибда келишиб олинади.

8-модда. **Фаолият турларига лицензия олиш**

Лицензия олиниши шарт бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун корхона СССР Министрлар Кенгаши, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда зарур лицензияни олиши шарт.

9-модда. **Корхона Устави**

1. Корхона Устав асосида иш олиб боради. Уставни корхона муассиси (муассислари) тасдиқлайди.

2. Корхона Уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади: корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, фаолият тури ва мақсадлари, унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари, корхона мулкининг ташкил топиши ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Уставга корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қонунга зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

III БЎЛИМ. КОРХОНА МУЛКИ

10-модда. **Мулкнинг ташкил этилиши ва ундан фойдаланиш шартлари**

1. Асосий фондлар ва оборот маблағлари, шунингдек, қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этадиган бошқа бойликлар корхона мулкини ташкил этади.

2. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларига, корхона Уставига мувофиқ корхонанинг мол-мулки унга ўз мулки ёки тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши мумкин.

3. Қуйидагилар корхона мол-мулкини ташкил этувчи манбалардир:

муассисларнинг пул ва моддий бадаллари;

маҳсулот, ишлар, хизматларни реализация қилишдан, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;

қимматбаҳо қоғозлардан олинган даромадлар;

банк ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари;

сарфланган капитал маблағ ва бюджетдан дотациялар;

ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг текинга берган ёки хайрия бадаллари, ионалари;

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ўзга манбалар.

4. Корхона ўзига қарашли биноларни, иншоотларни, машина-ускуналарни, транспорт воситаларини, ашёларни, хом ашё ва бошқа моддий бойликларни бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга сотиш ва топшириш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун текинга бериш ва қарз бериш ҳуқуқига эгадир, шунингдек, агар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида ва корхона Уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, уларни балансдан чиқариб ташлашга ҳақлидир.

5. Агар Уставда ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, корхона ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мулки бўла олмайдиган ёки улар фойдалана олмайдиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликлардан ташқари ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликларни фуқароларга сотишга, ижарага беришга ҳақлидир. Корхонанинг моддий бойликларни фуқароларга текинга бериши ва тақдим этиши ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан тақиқланмаган ҳолларда мулк эгаси ёки у ваколат берган органнинг рухсати билан амалга оширилади.

11-модда. **Табиат ресурсларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш**

1. Корхона белгиланган тартибда ҳақ эвазига ер ва бошқа табиат ресурсларига эгалик қилади ва улардан фойдаланади, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса, — имтиёзли шартларда ёки текинга эгалик қилади ва фойдаланади.

2. Корхона ўз ишлаб чиқаришнинг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва таъсирнинг ўрнини қоплашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга мажбур. Бундай тадбирлар ўз маблағлари ёки ўзга манбалар ҳисобидан пул билан таъминланиши мумкин.

Корхона ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар, бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш талаблари ҳамда нормаларига риоя этилиши учун жавобгардир, шунингдек, ўз фаолияти натижасида етказилган зарарни тўлайди.

12-модда. **Корхонанинг ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар маблағини жалб этиши**

1. Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, меҳнат коллективларини ижтимоий ривожлантириш мақсадларига қўшимча пул маблағини жалб этиш учун қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотишга ҳақлидир.

2. Корхонанинг қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотиш тартибини, уларнинг турлари ҳамда бундай қимматбаҳо қоғозлар эгаларининг ҳуқуқларини ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари белгилаб беради.

13-модда. **Корхона мулкий ҳуқуқларининг кафолатлари**

Давлат корхона мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат беради. Давлатнинг корхонага қарашли асосий фондларни, оборот маблағларини ва корхона фойдаланаётган бошқа молмулкни тортиб олишига йўл қўйилмайди, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ва давлат идоралари томонидан корхонанинг мулкий ҳуқуқларини бузиш натижасида унга етказилган зарар суд ёки давлат ҳакамлиги қарорига мувофиқ корхонага тўланади.

IV БЎЛИМ. КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ

14-модда. **Корхонани бошқаришни ва ўзини ўзи бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари**

1. Корхона унинг Уставига мувофиқ, меҳнат коллективи ўзини ўзи бошқариш қоидаларини ва мулк эгасининг ўз мулкидан хўжалик жиҳатидан фойдаланиш ҳуқуқларини қўшиб олиб бориш асосида бошқарилади. Корхона бошқарув структурасини мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди.

Мулк эгаси корхонани бошқаришга доир ўз ҳуқуқини бевосита ёки ўзи ваколат берган органлар орқали амалга оширади. Мулк эгаси ёки у ваколат берган органлар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгашига (бошқарувига) ёки корхона Уставида кўзда тутилган ҳамда мулк эгаси ёки меҳнат коллективи манфаатларини ҳимоя қиладиган бошқа органга топшириши мумкин.

2. Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади.

3. Корхона фаолиятига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир қарорлар унинг бошқарув органлари томонидан меҳнат коллективи ва у ваколат берган органлар иштирокида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

15-модда. **Корхонанинг меҳнат коллективи, унинг ваколатлари**

1. Меҳнат шартномаси (битим, келишув) асосида ходимнинг корхона билан меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг бошқа шакллари асосида ўз меҳнати билан корхона фаолиятида қатнашувчи барча фуқаролар шу корхонанинг меҳнат коллективини ташкил этадилар.

2. Корхона меҳнат коллективи ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йиғилиш (конференция)дир.

16-модда. **Корхона меҳнат коллективининг умумий йиғилиши (конференцияси)**

Меҳнат коллективининг умумий йиғилиши, конференцияси:

корхона мол-мулкини сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

корхона маъмурияти билан коллектив (битим) тузиш шартнома (битим) тўғрисидаги масалани ҳал қилади, бундай шартнома (битим) лойиҳасини кўриб чиқади ва уни меҳнат коллективи номидан имзолаш учун касаба уюшмаси комитетига ёки бошқа органларга ваколат беради;

корхона кенгашига вакиллар сайлайди (уларни чақириб олади), уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

зарур бўлган тақдирда меҳнат коллективи кенгашини тузади ва унинг вазифаларини белгилаб беради.

17-модда. **Коллектив шартнома (битим)**

Коллектив шартнома (битим) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва СССРнинг амалдаги қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, коллективнинг ижтимоий тараққиёти ва коллектив аъзоларининг саломатлиги масалалари коллектив шартнома (битим) билан тартибга солинади.

Коллектив шартнома (битим) тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда улар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18-модда. **Корхона кенгаши (бошқаруви)**

1. Корхона кенгаши (бошқаруви)да, корхона Уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, корхона мулки эгаси томонидан тайинланадиган ва шу корхона меҳнат коллективи томонидан сайлаб қўйиладиган вакиллар сони баробар бўлади.

2. Корхона кенгаши аъзоларининг сони корхона Устави билан белгиланади. Корхона кенгаши корхона Уставида кўзда тутилган муддатга тузилади.

3. Корхона кенгашининг меҳнат коллективларидан сайланган аъзолари ўз ваколатлари даврида корхонадан (маъмурият ташаббуси билан) бўшатилиши ёки лавозими (оклади) пасайтирилиши ёки меҳнат коллективининг уни сайлаган умумий йиғилиши (конференцияси) розилигисиз кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилиши мумкин эмас.

(Давоми учинчи бетда).

СССРдаги КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

4. Корхона кенгаши: корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг умумий йўналишини белгилаб беради; соф фойдани тақсимлаш тартибини кўрсатиб беради; корхона раҳбарининг тақдимномасига мувофиқ, корхонанинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш, шунингдек, бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қилади; шўъба корхоналар тузиш, корхонанинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмаларини барпо этиш ва фаолиятини тўхтатиш, корхонанинг ташкилий ва бирлашмага кириши ва ундан чиқиши масалаларини ҳал этади; корхонанинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир асосий масалалар хусусида қарорлар қабул қилади; корхона маъмурияти билан меҳнат коллективи ўртасида вужудга келадиган низоли вазиятларни кўриб чиқади ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўради, корхона Уставида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Корхона кенгаши ўз мажлисларида ўз ихтиёрига берилган масалаларни ҳал қилади. Кенгашнинг маъмурият оператив-бошқарув фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Корхона кенгашининг қарор қабул қилиши қоидаларини корхона Устави тартибга солади.

5. Корхона кенгашининг раиси корхона кенгашининг мажлисида унинг аъзоларидан очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

19-модда. **Корхона раҳбари**

1. Корхона раҳбари лавозимига ёллаш (тайинлаш, сайлаш) чоғида у билан битим (шартнома, келишув) тузилади, унда корхона раҳбарининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти, унинг моддий таъминоти ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган кафолатларни ҳисобга олган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш шартлари белгилаб қўйилади.

2. Корхона раҳбари ушбу Қонунга мувофиқ меҳнат коллективи умумий йиғилиши (конференцияси) ва корхона кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари, корхона фаолиятига доир барча масалаларни мустақил ҳал қилади.

Корхона раҳбари корхона номидан ишонч қоғозисиз иш олиб боради, мамлакат ва чет эл корхоналарида, фирмалари ва ташкилотларида шу корхона манфаатларини ҳимоя қилади, корхона мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, жумладан, меҳнат шартномалари тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда ҳисоб-китоб варақалари ва ҳисоб варақалари очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, дирекциянинг ижроия аппарати штатларини тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий фармонлар ва кўрсатмалар чиқаради.

3. Корхона раҳбари шартномада ёки амалдаги қонунларда кўзда тутилган асосларга мувофиқ шартнома муддати тугамай туриб, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши мумкин.

20-модда. **Корхона раҳбарининг ўринбосарлари, унинг таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари**

1. Корхона раҳбарининг ўринбосарлари, бошқарув аппарати бўлинмалари ва таркибий бўлинмалари (ишлаб чиқаришлар, цехлар, бўлимлар, бўлинмалар, участкалар, фермалар, корхоналарнинг ана шундай бошқа бўлинмалари, бирлашманинг таркибий бирликлари) раҳбарлари, (шунингдек, мастерлар ва катта мастерлар корхона раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан бўшатилади.

2. Бригадирлар бригада коллективлари йиғилишларида (яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан) сайланадилар ва таркибига шу бригадалар кирган бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланадилар.

3. Корхона раҳбари ўринбосарларининг, таркибий бўлинмалари раҳбарларининг қарорлари уларга буйсунувчи барча ходимлар учун мажбурийдир.

4. Корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган айрим ҳолларда корхона Уставида корхона раҳбари ўринбосарларини, унинг таркибий бўлинмаларининг раҳбарларини ва бригадирларни тайинлашнинг бошқа тартиби кўзда тутилиши мумкин.

V БЎЛИМ. КОРХОНАНИНГ ХЎЖАЛИК, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИ

21-модда. **Корхона оладиган фойда**

1. Ҳамма турдаги корхоналарда хўжалик фаолияти молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсатгич-фойдадир.

2. Солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлашдан кейин корхонада қолган фойда (соф фойда) тўла-тўкис унинг тасарруфига ўтади. Корхона, агар Уставда ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, соф фойдадан фойдаланишнинг йўналишларини мустақил белгилайди.

Соф фойдадан фойдаланиш йўналишларини танлашга давлат таъсири солиқлар, солиқ имтиёзлари, шунингдек, иқтисодий воситалар орқали амалга оширилади.

3. СССР қонун ҳужжатларида ёки корхона Уставида кўзда тутилган ҳолларда соф фойданинг бир қисми корхона меҳнат коллективи аъзоларига мулк қилиб топширилади. Бу фойданинг миқдорини ва уни тақсимлаш тартибини корхона кенгаши (бошқаруви) белгилаб беради.

Меҳнат коллективи аъзосига тегишли фойда миқдори унинг улушини ташкил этади. Меҳнат коллективи аъзоси улушига акция берилиши мумкин. Корхона меҳнат коллективи аъзосига ҳар йили Уставда белгилаб қўйиладиган миқдорда ва тартибда процент (фойда) тўлайди.

Меҳнат коллективининг аъзоси Уставга мувофиқ белгилаб қўйиладиган тартибда ва муддатда ўз миқдорини (акциялар қийматини) олишга ҳақлидир.

22-модда. **Корхона ходимининг меҳнат даромадлари**

1. Корхона туридан қатъи назар, ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари корхона ишининг пировард натижалари ҳисобга олиниб, унинг меҳнатга қўшган шахсий улуши билан белгиланади, солиқлар билан тартибга солинади ва энг кўп миқдори чеклаб қўйилмайди.

2. Барча турдаги корхоналар ходимлари меҳнат ҳақининг энг кам миқдори СССР ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, системалари ва миқдори, шунингдек, ходимлар даромадларининг бошқа турларини корхона мустақил равишда белгилайди.

Корхона ходимларнинг касбига, малакасига, улар бажарадиган ишнинг мураккаблиги ва шароитларига қараб, табақалаштирилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўл-йўриқ сифатида давлат тариф ставкаларидан, окладларидан фойдаланиши мумкин.

23-модда. **Корхона фаолиятини режалаштириш**

1. Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган иш, хизматга талабларни ҳамда корхона ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётини таъминлаш, унинг ходимлари шахсий даромадларини ошириш заруратини ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

Маҳсулот, ишлар, хизматлар истеъмолчилари (харидорлари) ҳамда моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар режаларнинг негизини ташкил этади.

2. Корхона ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган тартибда шартнома асосида давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажаради ва маҳсулот етказиб беради.

3. Корхона режаларни тайёрлаш чоғида экологик, ижтимоий, нуфус ва ўзга оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган, территория аҳолиси манфаатларига дахлли бўлган тадбирларни халқ депутатлари тегишли Совети билан келишиб олади.

24-модда. **Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар билан хўжалик муносабати**

1. Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар билан хўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги муносабатлари шартнома негизига қурилади.

Корхона ким билан шартнома тузишни танлашда, мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини аниқлашда эркиндир.

2. Эркин реализация қилиш тақиқлаб ёки чеклаб қўйилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар турларининг рўйхати СССР қонунлари билан белгилаб қўйилади.

3. Корхона ўз фаолиятида истеъмолчининг манфаатларини ҳамда унинг маҳсулот, ишлар, хизматлар сифатига талабларини ҳисобга олади.

Истеъмолчининг манфаатлари ва ҳуқуқлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинади.

25-модда. **Моддий-техника таъминоти**

1. Корхона бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларининг имкониятларини, нарх ўзгариши тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиб, товарлар ва хизматлар бозорида ресурсларни харид қилиш йўли билан ўз ишлаб чиқариши ва капитал қурилиши моддий-техника таъминотини ташкил этади.

2. Корхона бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан, улгуржи савдодан, шу жумладан, ярмаркалардан, ким ошди савдоларидан, моддий-техника таъминоти ташкилотларидан, шунингдек бошқа воситачи ташкилотлардан ресурсларни бевосита товарлар ва хизматлар бозорида сотиб олади.

26-модда. **Нарх-наво ва нарх белгилаш**

1. Корхона ўз маҳсулотларини, ишларини, хизматларини, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар билан сотади, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса давлат нархларида сотади.

2. Товарлар бозорида монополия мавқеида турган корхоналарнинг маҳсулотларига, шунингдек, иқтисодиётда ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланишида нарх-навонинг миқёсларини белгилаб берадиган ресурсларга давлат томонидан тартибга солинадиган нарх белгиланишига йўл қўйилади.

Корхона нархлар, маҳсулотлар, ишлар, хизматлар тарифлари давлат инвестициясини бузган тақдирда ортиқча олинган пул тортиб олинади. Бундан ташқари корхонадан ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган тартибда ва миқдорда жарима ундирилади.

27-модда. **Молия ва кредит муносабатлари**

1. Фойда, амортизация ажратмалари, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат коллективи аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар, корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

2. Корхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан фойдаланади.

3. Корхона пул маблағини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун корхона рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда, бошқа банкда эса унинг рухсати билан ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалари очишга ҳақлидир.

4. Корхонанинг барча ҳисоб-китоблари, шу жумладан, бюджетга тўловлар ва иш ҳақини тўлаш ҳисоб-китоб ҳужжатлари тушишининг навбатига (тўлов муддатларининг келишига) қараб амалга оширилади. Корхоналарнинг бошқа корхоналар билан ўз мажбуриятларига доир ҳисоб-китоблари одатда банк муассасалари орқали нақд пулсиз амалга оширилади. Корхоналар ва фуқаролар билан нақд пулда ҳисоб-китоблар СССР Давлат банки томонидан тасдиқланадиган ҳисоб-китоб ва касса операцияларини бажариш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Корхона қарзга олинган маблағ учун фойда тўлаш каби харидор (истеъмолчи)га қарзга маҳсулот етказиб бериши, ишларни бажариши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун корхона хўжалик оборотида векселни қўлланиши мумкин.

6. Корхона кредит шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этилиши учун тўла жавобгардир. Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармаган корхона банк томонидан тўлов қобилиятини йўқотган деб эълон қилиниши мумкин. Бундай корхоналарга таъсир ўтказиш чораларини ва уларни қўлланиш тартибини СССР қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар белгилаб беради.

28-модда. **Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти**

1. Корхона ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига мувофиқ мустақил равишда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

2. Олинган валюта корхонанинг валюта баланс ҳисобига ўтказилади ва корхона томонидан мустақил фойдаланилади. Корхона валюта тушумидан мазкур корхона ўз валюта маблағи ҳисобидан қилган бевосита валюта харажатлари чегириб ташлангандан сўнг Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетга валюта ажратмалари ўтказилади.

3. Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетга ажратмалар ставкаси СССР қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Корхона валюта маблағини ўзга йўл билан тортиб олиш тақиқланади.

29-модда. **Корхонанинг ижтимоий фаолияти**

1. Ижтимоий тараққиёт масалалари, жумладан, меҳнат коллективи аъзолари ва уларнинг оилалари меҳнат, турмуш шароитларини ва сиҳат-саломатлигини яхшилаш масалалари, мажбурий тиббий суғурта кафолатлари масалалари меҳнат коллективи томонидан ССР Иттифоқи, иттифоқдош, автоном республикалар қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона маъмурияти иштирокида ҳал қилинади.

2. Корхона бу ерда ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбур бўлиб, уларнинг саломатлигига ва меҳнат қобилиятига етказилган зарар учун қонунларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади.

3. Пенсияга чиққунга қадар корхонада меҳнат қилган пенсионерлар тиббий хизмат, уй-жой, соғломлаштириш ва профилактика муассасаларига йўлланмалар билан таъминланиш юзасидан корхонадаги мавжуд имкониятлардан унинг ходимлари билан баравар фойдаланадилар, шунингдек, коллективнинг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига мувофиқ бошқа ижтимоий хизматлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. Корхона хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини мунтазам яхшилашга, ёш болали аёлларни иш куни қисқартирилган асосан кундузги иш билан таъминлашга, ҳомиладор аёлларни меҳнат шароити зарарсиз енгилроқ ишга ўтказишга, шунингдек, аёлларга қонунларда кўзда тутилган бошқа имтиёзларни беришга мажбурдир. Меҳнат шароити зарарли корхона меҳнат коллективининг розилиги билан хотин-қизларга енгилроқ иш бериш учун айрим цехлар, участкалар барпо этиши мумкин.

5. Меҳнат коллективи ўз ходимлари учун қўшимча отпуска, қисқартирилган иш куни ва ўзга ижтимоий имтиёзларни ишлаб топилган ва истеъмолга сарфланадиган маблағ доирасида мустақил белгилайди.

6. Корхона меҳнат коллективига хизмат қиладиган ва унинг таркибига кирмайдиган тиббий ходимларни, болалар, маданий-маърифий, ўқув ва спорт муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини моддий рағбатлантириши мумкин.

7. Фуқароларнинг илтимослари ва мурожаатларига доир масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш корхона маъмуриятининг вазифаси бўлиб, бу иш фуқароларнинг ўз зиммасига юклаб қўйилиши мумкин эмас.

VI БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ДАВЛАТ

30-модда. **Корхона ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари**

1. Давлат корхона ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига кафолат беради.

Корхона хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни амалга ошириш чоғида ўз ташаббуси билан амалдаги қонунларга зид келмайдиган ҳар қандай қарорни қабул қилишга ҳақлидир.

Корхонанинг хўжалик фаолияти ва ўзга фаолияти ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган корхоналар фаолиятини назорат қилишга доир давлат идораларининг ҳуқуқларига дахл этмаса, давлат, жамоат ва кооператив органларнинг бу фаолиятга аралашишига йўл қўйилмайди.

2. Иттифоқ, республика ва маҳаллий давлат ҳамда жамоат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари корхонага ва ўзларининг шу корхона билан муносабатларига дахлли қарорларни қабул қилиш чоғида ушбу Қонун қоидаларига риоя этилиши учун жавобгардирлар.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар ўзларининг қонунда белгилаб қўйилган ваколатларига мувофиқ тарздагина корхонага кўрсатма беришлари мумкин. Давлат идоралари ёки ўзга идоралар ўз ваколатларига ёки қонун талабларига мос келмайдиган ҳужжатни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан суд ёки давлат ҳакамига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Корхона ҳуқуқини бузган давлат идораси ва ўзга идора ёки мансабдор шахслар кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек, бундай идора ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган бурчларини тегишлича амалга оширмаганликлари оқибатида корхонага етказилган зарар ана шу идоралар томонидан тўланади. Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки давлат ҳаками ўз ваколатларига мувофиқ ҳал қилади.

31-модда. **Корхона хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий шартлари**

1. Давлат корхонага мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритишнинг тенг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини таъминлайди.

2. Давлат иқтисодий воситалар ва омиллар ёрдамида бошқариб бозорни ривожлантиришга кўмаклашади, монополияга қарши тадбирларни амалга оширади, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлайди.

Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштираётган корхоналарга, биринчи навбатда кашфиётларни, ихтироларни, рационализаторлик таклифларини жорий этаётган корхоналарга давлат имтиёзли шароит яратиб беради.

Давлат бошқарув идоралари корхона билан ўз муносабатларини ўрнатишда иқтисодий воситалардан — жамғарма ва қарзларга бериладиган фойда, қимматбаҳо қоғозларнинг даромадлари, нарх ва солиқлар, солиқ имтиёзлари ва иқтисодий чоралар, аниқ мақсадни кўзлаган дотациялар ва субсидиялар, валюта курси, амортизация ажратмалари нормалари, ижтимоий, экология ва бошқа нормалар ҳамда нормативлардан фойдаланади.

32-модда. **Ҳисоб ва ҳисобот**

1. Корхона ўз иши натижаларининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи олиб боради.

2. Давлат статистика ҳисоботи шаклларини давлат статистика идоралари белгилайди ва у фақат амалий маълумотларни, шунингдек, бундай маълумотлар қаерга, қачон, қайси муддатда тақдим этилишини белгилаб беради. Ушбу Қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда статистика ҳисоботини тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади. Корхона давлат статистика ҳисоботида кўзда тутилмаган маълумотларни шартнома асосида ёки қонунлар билан корхона фаолиятининг айрим томонларини назорат қилиш ҳуқуқи берилган идораларнинг талабига мувофиқ тақдим этиши мумкин.

3. Корхона мансабдор шахслари давлат ҳисоботини бузиб кўрсатганликлари учун қонунда белгилаб қўйилган интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

33-модда. **Корхонанинг тижорат сири**

1. Корхонанинг тижорат сири деганда корхонанинг ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфатларига зарар етказиши мумкин бўлган давлат сири бўлмаган маълумотлар тушунилади.

2. Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби ва ҳажми, уларни сақлаш тартиби корхона раҳбари томонидан аниқланади.

Корхона фаолиятининг турлари ҳақидаги тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларни СССР Министрлар Кенгаши корхоналар атроф муҳитни булғатиш тўғрисидаги ҳамда жамиятга зарар етказишга қодир бўлган бошқа салбий фаолият тўғрисидаги маълумотларни яширишининг олдини олиш мақсадида белгилаб қўяди.

3. Корхона тижорат сири бўлган маълумотларни эълон қилиш, бундай маълумотларни сақлаш тартибини бузганлик учун жавобгарликни СССР қонун ҳужжатлари аниқлаб беради.

34-модда. **Корхоналарнинг масъулияти**

1. Шартнома мажбуриятларини, кредит-ҳисоб-китоб ва солиқ интизомини, маҳсулот сифатига талабларни, хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун корхона ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилганча тўла мулкий жавобгар бўладилар.

Шартнома шартларини бузганлик учун жарима ва қарзни тўлаш, шунингдек, етказилган заарни қоплаш корхонани истеъмолчининг розилигисиз маҳсулот етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажаришдан халос қилмайди.

Корхона ер ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни ифлосланишлардан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза этиш талабларига риоя этмаганлик, ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидаларини, санитария-гигиена нормаларини ҳамда корхона ходимларининг, аҳолининг ва маҳсулот истеъмол қилувчиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплашга, шунингдек, қонунда белгиланган миқдорда жарима тўлашга мажбурдир.

Табиатдан фойдаланиш юзасидан белгиланган режимни бузаётган корхона фаолияти, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда йўл қўйилган камчиликлар тугатилгунига қадар тўхтатиб қўйилиши мумкин.

35-модда. **Корхона фаолиятини назорат қилиш**

1. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс тафтиш қилиш мулк эгасининг ташаббуси билан ва бир йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

2. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатлари билан корхона фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ ва бошқа давлат идоралари бундай текширувларни зарурат туғилганида ва қатъиян ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона ана шу идораларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идораларнинг талабларини бажармасликка ва назорат соҳасига кирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

3. Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга кўмаклашиши ва корхонанинг нормал ишлашига халақит бермаслиги керак. Тафтишлар ва текширувларнинг натижалари корхонага хабар қилинади.

36-модда. **Корхоналарнинг давлат бошқарув идоралари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан муносабатлари**

1. Корхоналарнинг давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ўзаро муносабатлари мазкур қонунга ҳамда ана шу идораларнинг ваколатларини белгилаб берувчи ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қурилади.

2. Корхона республикаларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджетдан ташқари маълум бир мақсадга мўлжалланган молиявий фондларини шакллантиришда қатъий ихтиёрийлик асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

VII БЎЛИМ. КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

37-модда. **Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари**

1. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш) корхона мулки эгасининг ёки шундай корхонани тузишга ваколатли бўлган идоранинг қарорига биноан ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига биноан амалга оширилади. Иқтисодий, ижтимоий, демографик ва бошқа оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган, территория аҳолисининг манфаатларига дахл қилувчи корхонани қайта ташкил этиш халқ депутатлари тегишли Совети билан келишиб олиниши лозим.

2. Корхона қуйидаги ҳолларда ҳам тугатилади:

Инқирозга учраган деб тан олинганда;

қонунда белгиланган шартларни бажармаганлик ҳамда ана шу шартларга қарорда белгиланган муддатда риоя этилишини таъминламаганлик учун корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган ёки корхона фаолиятининг тури ўзгартирилмаган бўлса;

агар суд қарори билан корхонани барпо этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари ҳақиқий эмас, деб эътироф этилган бўлса;

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа асосларда.

3. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида ишдан бўшатилаётган ходимларга ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолат берилади.

4. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб у қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

5. Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиш натижасида вужудга келадиган корхонага ўтади.

Бир корхонанинг бошқа бир корхонага қўшилиши чоғида барча мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилган корхонага ўтади.

6. Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхонага бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ, тегишли қисмларда ўтади.

Корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тегишли қисмларда бўлиб юбориш ҳужжати (баланси)га мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

7. Бир корхонани бошқа корхона қилиб ўзгартириш чоғида аввалги корхонанинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корхонага ўтади.

38-модда. **Тугатиш комиссияси**

1. Корхона эгалик қилувчи ёки у ваколат берган орган томонидан тузилган тугатиш комиссияси томонидан, корхона инқирозга учраган тақдирда эса суд ёки ҳакамлик томонидан тугатилади. Уларнинг қарорига биноан корхонани унинг бошқарув идораси тугатиши мумкин.

Эгалик қилувчи, суд (ҳакамлик) ёки корхонани барпо этишга ваколатли бўлган, корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган тугатиш тартиби ва муддатини, шунингдек, қарз берганларнинг даъво қилиш муддатларини белгилайди. Бу муддат тугатиш эълон қилинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

2. Тугатиш комиссияси ёки корхонани тугатишни амалга ошираётган бошқа идора корхона жойлашган ердаги расмий матбуотда уни тугатиш ва қарз берганларнинг даъволарини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) ана шу эълон билан бир қаторда корхонадан дебиторлик қарзини ундириб олиш ва қарз берганларни корхона тугатилганлигидан хабардор қилиб, уларнинг эътирозларини аниқлаш ишларини бажариши шарт.

Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга оширадиган идора) тугатилаётган корхонанинг нақд мол-мулкини баҳолайди ва қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни эгалик қилувчига ёки тугатиш комиссиясини тайинлаган идорага тақдим этади.

39-модда. **Қарз берганларнинг даъволарини қондириш**

1. Тугатилаётган корхонага қарз берганларнинг даъволари ана шу корхонанинг мол-мулкидан қондирилади. Бунда биринчи навбатда бюджет олдидаги қарзлар қондирилади ва тугатилаётган корхона тасарруфида бўлган ерларни қайтадан тиклаш харажатлари қопланади.

2. Қарз берувчиларга даъво қилиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин қилинган ва аниқланган даъволар биринчи навбатдаги даъволар, аниқланган даъволар ,шунингдек, белгиланган муддатда маълум қилинган даъволар қондирилгандан кейин корхонанинг қолган мол-мулкидан қондирилади.

3. Молк-мулк етишмаганлиги учун қондирилмаган даъволар қондирилган деб ҳисобланади. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга оширган идора) тан олмаган даъволар ҳам, агар қарз берувчилар даъволарни тўла ёки қисман тан олмаслик тўғрисидаги хабарни олган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ўз талаблари қондирилиши тўғрисида суд ёки давлат ҳакамига даъво қилмаган бўлсалар, қондирилган деб ҳисобланади.

4. Корхонани тугатиш чоғида фуқаронинг шикастланганлиги ёки саломатлигига бошқа хил зарар етганлиги ёхуд ўлими муносабати билан шу корхонадан ундириладиган вақтинчалик тўловларга пул ажратилади.

5. Корхонани тугатишда меҳнат коллективи аъзосининг ҳиссаси унга пул шаклида ёки қарз берганларнинг даъволари қондирилгандан сўнг қимматли қоғозлар билан берилади.

6. Қарз берганларнинг ва меҳнат коллективи аъзоларининг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулкдан эгалик қилувчининг кўрсатмасига биноан фойдаланилади.

7. Корхонани қайтадан ташкил этиш чоғида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 4 июнь.

СССР Олий Советининг қарори

«СССРдаги КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА» СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги СССР Қонуни 1991 йил 1 январдан кучга киритилсин; корхона раҳбарлари ва мансабдор шахсларини тайинлаш ва бўшатиш масалаларини тартибга соладиган IV бўлим Қонун эълон қилинган пайтдан: 24-модда 1-бандининг давлат корхоналарига доир иккинчи абзаци 1993 йил 1 январдан кучга киритилсин.

2. Мазкур Қонунга зид бўлмаган амалдаги қонун ҳужжатлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари «СССРдаги корхоналар тўғрисида» СССР Қонунига мувофиқлаштирилгунига қадар қўлланилаверади. СССР ҳукуматининг, иттифоқдош ва автоном республикалар ҳукуматларининг ушбу Қонун кучга киргунга қадар чиқарилган ҳамда бу Қонунга мувофиқ фақат қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган қарорлари тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар амал қилади.

3. СССР Министрлар Совети:

1990 йил 1 июлга қадар:

Давлат корхонаси мулк эгаси ҳуқуқларини ана шу корхоналар кенгашлари (правлениелари)га топшириш тартибини ишлаб чиқиб, СССР Олий Советига тақдим этсин;

1990 йил 1 сентябрга қадар:

СССРнинг амалдаги қонун ҳужжатларини «СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларини СССР Олий Советига тақдим этсин;

СССР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларини мазкур қонунга мувофиқлаштирсин;

Министрликлар, СССР давлат комитетлари ва идоралари ўз норматив ҳужжатларини, шу жумладан, мазкур Қонунга зид бўлган йўл-йўриқларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг бекор қилинишини таъминласин;

1990 йил 1 ноябрга қадар:

«СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш учун зарур қарорлар қабул қилсин;

Эркин равишда сотиш тақиқланган ёки чекланган маҳсулот, ишлар, хизматлар турларининг, ишлаб чиқариш чиқитларининг рўйхатини ҳамда амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган хўжалик фаолияти турлари рўйхатини тасдиқлаш учун СССР Олий Советига тақдим этсин.

4. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларини «СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш таклиф қилинсин.

5. Иттифоқ Советининг саноатни, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссияси «СССРдаги корхоналар тўғрисида»ги СССР Қонуни ижроси устидан назорат ўрнатсин ва Қонуннинг амалий кучи натижалари тўғрисида 1991 йил охирида СССР Олий Советига ахборот берсин.

СССР Олий Советининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 4 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси олдидан

СЕССИЯДАН НИМАЛАРНИ КУТЯПМИЗ?

Ҳаракатни бўшаштирмаймиз

Бу галги сессияга анча пухта ҳозирлик кўрилгани билиниб турибди. Унда муҳокама қилинадиган масалалар бўйича кўпгина ҳужжатлар депутатларга барвақт етказиб берилди. Қатор қонун лойиҳалари ўқиб ўрганиш учун олдиндан эътиборимизга ҳавола этилди. Қисқаси, анжуманга унинг кун тартиби билан чуқуррок, яқиндан танишган ҳолда келяпмиз. Табиийки, бу масалалар муҳокамаси қизғин ўтиши, унда конкрет, амалий таклиф ва мулоҳазалар кўпроқ айтилиши гаровидир.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳозир ҳар бир депутат бурчини қандай адо этаётгани ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келди. Шу аснода мен ҳам сайловчиларим топшириқларини бажариш учун дастлабки қадамларни қўйдим. «Партия XXI съезди» совхозидаги 25-мактаб учун янги бино қурилиши бошланди. Куйбишев, Оржоникидзе номли колхозларда хўжалик маблағи ҳисобига газлаштиришни охирига етказиш ишлари давом этмоқда. Аммо, ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Қумариқ қишлоғини ичимлик сув билан таъминлаш, Хонобод қишлоғини газлаштиришни охирига етказиш, аҳолига кўрсатилаётган транспорт, медицина хизматини яхшилаш... Бу масалалар хусусида кўпгина нуфузли идораларга сўровлар бердик. Кўпчиликнинг талаби амалга ошиши, меҳнаткашлар учун яхши турмуш шароити яратилиши йўлида саъйи ҳаракатимни бўшаштирмоқчи эмасман.

Ш. НУРИДДИНОВ,
Қалинин районидаги «Қорасув» совхози бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Ўзимиз шоҳид бўлайлик

Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессиясининг кун тартибига жуда муҳим масалалар киритилган. Уларнинг ижобий ҳал қилиниши жумҳуриятимиз мустақиллигини, суверенитетини таъминлаш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз-ўзимизни бошқариш имконини беради.

Яқинда иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш доимий комиссияси мажлисида «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилдик. Мажлисда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилди, аниқликлар киритилди. Лекин ҳали ҳал этилмаган муҳим жиҳатлар ҳам бор. Хусусан Мулкчилик ҳақидаги Қонун лойиҳасига бизда хусусий мулкнинг амал қилиши ҳақида ҳам моддалар киритилган. Бу Ўзбекистон ССР Конституциясига қарама-қарши моддадир. Унда жумҳуриятимизда фақат давлат ва кооператив мулклари мавжудлиги қонунлаштирилган. Маълумки, амал қилинаётган Конституциямизнинг кўп моддалари эскирган. Шу боис янги тайёрланган, айни кун ва истиқбол талаблари ҳисобга олинган Ўзбекистон ССРнинг Мулк тўғрисидаги Қонуни сессияда қабул қилиниши зарур деб ўйлайман.

Янги Қонун кучга кирса маҳаллий Советларга янги имкониятлар очилади. Шу пайтга қадар Хивадек музей шаҳримиз обидалари марказий, жумҳурият Маданият министрликлари тасарруфида эди. Улар худди меҳмондай келиб кетишар, обидалар тақдири билан қизиқишмасди. Тарихий ёдгорликларимиз борган сари қаровсиз ҳолга келиб қолаётган эди. Эндиликда тарихимизнинг ажойиб дурдонаси, миллий маданиятимизнинг хазинаси бўлган бу обидалардан фойдаланиш—уларни таъмирлаш ишларини ўзимиз ҳал қиладиган бўламиз. Бу жуда оқилона иш. Негаки, уйимиздаги аҳволни меҳмон эмас, балки ўзимиз яхши биламиз.

Б. НУРМЕТОВ,
Хива шаҳар ижроия комитети раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Хотиржамликка ўрин йўқ

Жумҳурият халқ депутатлигига сайланганимга ҳам тўрт ой бўлиб қолибди. Хўш, бу орада депутат сифатида қандай иш бажардим, қайси хизматим элга манзур бўлди? 222-Қайнарбулоқ сайлов округи территориясига қарашли Куйбишев номли колхозда Германия Федератив Республикасида тайёрланган ускуналар билан жихозланадиган нон ишлаб чиқариш цехи қуриладиган бўлди. Бешқозон қишлоғида аралаш моллар магазини қурилиши бошлаб юборилди. Китоб райони колхоз ва совхозлари территориясида янги мактаблар қуриляпти.

Тўғри, амалга оширилаётган бу ишлар унчалик кўп эмас. Бундан ўзим ҳам қониқаётганим йўқ. Лекин наказ ва сўровлар ижросини таъминлаш учун астойдил киришганим рост. Депутат халқ манфаати учун курашар экан эртанги кун ўй-режаси билан яшаши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси кун тартибига ҳаётий масалалар киритилган. Мулкчилик, Ер, Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисидаги Қонун лойиҳалари сингари масалалар бири-биридан муҳим. Республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳозир кимни безовта қилмаяпти, дейсиз. Бу тўғрида турли хил мулоҳазалар айтилмоқда. Шу масалани кўриб чиқишдан олдин барча региондаги аҳволни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги масала қизғин муҳокама этилган эди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари ҳақидаги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотнинг депутатлар ҳукмига ҳавола этилиши катта аҳамиятга эга. Жумҳуриятимиздан ҳарбий хизматга чақирилиб қурилиш ишларига юборилаётган ёшларнинг Туркистон ҳарбий округида қолдира бошланиши айни муддао бўляпти. Очиғини айтганда, бу борада ташланган дастлабки қадам меҳнаткашларни, отаоналарни беҳад хурсанд қилмоқда. Аммо ортиқча хотиржамликка берилмаслик, қарорлар ижроси учун ўзимизни сафарбар деб ҳис қилишимиз керак.

Сессия кун тартибига савдода суиистеъмол ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги масала киритилганлигига қўшиламан. Бу биз, маъмурий орган ходимлари зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. Чунки кўп гапирилаётганига қарамай бу соҳада тартиб-интизом ўрнатилмаяпти. Ўғрилик, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, камёб молларни яшириб ортиқча нархда сотиш, ғирромлик, чайқовчилик давом этмоқда. Чайқовчилик билан боғлиқ ўнлаб фактлар аниқланиб, қонунбузарлар тегишлича жазоланмоқда. Афсуски, бу билан ҳам савдодаги суиистеъмоллик ва чайқовчиликка барҳам берилмаяпти. Бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Н. ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

• Бугун—Тиббиёт ходимлари куни



ҒОЛИБЛИК ИШТИЁҚИДА

Эл соғлиғи — юрт бойлиги. Фарғона вилоятидаги Киров райони марказий касалхонаси шифокорлари меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида тинмай изланмоқдалар. 500 ўринли марказий шифохона, бир йўла 500 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника, 14 та қишлоқ врачлик амбулаторияси беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Экология вазияти кескинлашган ҳозирги пайтда шифокор беморга янада эътиборни кучайтириши, ўз ишига масъулият билан ёндашиши талаб қилинади.

Зеро, шифокорлик фидойиликни талаб қилади. Ўз касбининг жонкуярлари бу жамоада кўплаб топилади. Беморлар шифохона ички касалликлар бўлими бошлиғи М. Отахўжаев ҳақида «Қўли енгил шифокор» деб жуда илиқ гаплар айтишади. Дарвоқе, бу гапда жон бор. 33 йилдирки у эл-юрт соғлиғи йўлида жон куйдиради.

— Бемор дардига тиғ билан эмас, тил билан ҳам шифо бериш керак, — дейди СССР соғлиқни сақлаш аълочиси М. Отахўжаев. — Муҳими тиббиёт ходими ўз ишига, хаста инсон тақдирига бефарқ қарамаслиги керак. Бемор аввало, дарддан фориғ бўлишига ишониши лозим. Ана шундагина муолажа ўз таъсирини кўрсатади.

Ана шундай фазилатга эга бўлган шифокорлар — асаб касалликлари мутахассиси Ю. Ҳақбердиев, анестезиолог А. Абдурасулов, реаниматолог М. Эшонқулов, болалар врачлари К. Қулматов, Н. Бойматова, жарроҳ Ш. Ботиралиев, ўрта тиббиёт ходимлари Ф. Эралиева, Ҳ. Ҳайдаровалардан беморлар беҳад миннатдор.

Тиббиёт фанлари номзоди Ш. Мақсудов етакчилик қилаётган бу шифохона ўтган йили жумҳуриятда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича ўтказган кўрик-конкурсининг якунига кўра биринчиликни қўлга киритди. Улар бу йил ҳам ғолибликни қўлдан бермаслик учун виждонан меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозир район қишлоқларида 14 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва кундузги стационарлар ишлаб турибди. «Саломатлик» дастурига мувофиқ беш йиллик охирида қуриб битказилиши мўлжалланган шу шифо масканларини қуриш учун колхоз ва совхозлар фаол иштирок этишди. Ана шундай шифо масканлари Товул ва Ғалча қишлоқларида ҳам қурилиб ишга туширилди. Бунинг учун Киров номли совхоз 100 минг сўм маблағ ажратди. Бу шифохоналарга Швеция, Финляндия, Япония каби хорижий мамлакатлардан 270 минг сўмлик тиббиёт асбоб-ускуналари харид қилинди.

З. ҲАЙДАРОВ,

СУРАТЛАРДА: (чапдан). 1. Терапевт-врач, меҳнат ветерани М. Отахўжаев. 2. Товул қишлоғидаги кундузги стационар. 3. Район марказий шифохонасида.

Суратларни муаллиф тасвирга туширган.

ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

Болалардаги юқумли сариқ касаллиги оғир шаклларини даволаш учун мўлжалланган энг янги мониторлар, лазерлар ўрнатилган чақалоқлар реанимация хонаси ва бошқа замонавий аппаратлар Навоий номли театр фойеларида очилган кўргазмада кенг намойиш қилинмоқда. Бу кўргазма врачлар, фельдшерлар, тиббий ҳамшираларнинг касб байрами — тиббий ходимлар кунига бағишланган. Бу ерда 16 июнь куни ана шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари жумҳурият тиббий ходимлари олдида ҳозир одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни такомиллаштиришга доир жиддий вазифалар турганлиги ҳақида гапирдилар.

Ҳозиргача жуда кўп иш қилинди. Даволаш-диагностика хизмати яхшиланди, янги дори-дармонлар, асбоблар соғлиқни сақлаш ишларида кенг жорий этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди, бу соҳада кўп муаммолар тўпланиб қолган эди. Тиббий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлашда саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари тобора кўпроқ ёрдам берётганлиги ижобий ўзгариш сифатида таъкидлаб ўтилди. Масалан, Тошкентда саноат корхоналарининг маблағлари ҳисобидан ҳар сменада 250 кишини қабул қиладиган болалар поликлиникаси ишга туширилди, чет эл валютасига Ўрта Осиё тиббий педиатрия институти базасида ташкил этилаётган Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон болаларига хизмат қиладиган ихтисослаштирилган марказ учун асбоб-ускуналар сотиб олинди.

(ЎзТАГ).

«Ёз—90»

ЭПИДЕМИОЛОГЛАРГА ҚИЙИН БЎЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги жумҳуриятэпидемияларга қарши фавқулодда комиссиясининг навбатдаги мажлиси овқатдан оммавий заҳарланиш ҳолларининг тез-тез содир бўлишига бағишланди.

Шифокорлар бу мажлисга жумҳуриятдаги Давлат кооператив қишлоқ хўжалиги комитетининг, «Ўзбекбирлашув»нинг, Савдо, Дон маҳсулотлари, Халқ таълими министрликларининг, область ижроия комитетларининг раҳбарларини таклиф қилишди. Чунки шу идораларнинг ҳар бири, уларнинг жойлардаги бўлинмалари, маҳаллий Советлар жумҳуриятда эпидемиология вазиятининг мураккаблашиб кетишига дахлдордир.

Йил бошидан буён бир неча гуруҳларнинг заҳарланганлари ва ялпи заҳарланиш ҳоллари 15 марта қайд этилди, чунончи, шундай воқеаларнинг 12 таси болалар муассасаларида юз берди. 700 дан зиёд одам жабрланди. Қиёслаб кўринг: бутун ўтган йил мобайнида бундай воқеа ўн марта бўлган эди.

Апрель ойининг охирларида Қашқадарё областида юз берган энг ғазабланарли ҳодиса тўғрисида матбуотда эълон қилинган эди: Қарши сут заводидан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилгандан кейин Қарши, Муборак ва Талимаржон шаҳарлари мактабгача тарбия муассасаларидаги 248 бола заҳарланган эди. Маълум бўлишича, бу корхонада маҳсулот тайёрлаш технологияси қўпол равишда бузиб келинаётган экан. Фақат завод ёпиб қўйилганидан кейин Қарши шаҳар ижроия комитети бу корхонада тартиб ўрнатиш чораларини кўрди. Марғилондаги 18-болалар боғчасида, Қувасойдаги 10-мактабда ҳам шунга ўхшаш воқеалар содир бўлди....

Комиссия мажлисида эпидемияга қарши вазиятнинг қониқарсизлиги бир қанча жойларда болалар ёғги билан олишининг барбод бўлишига олиб келганлиги таъкидланди. Масалан, санитария-эпидемиология станциясининг идоралари Бўстонлиқ районидаги тўртта пионер лагерига болалар жойлаштирилишига рухсат бермаган — уларда озиқ-овқат блоклари реконструкция қилинмаган, сув-қувур олиб келинмаган, санитария хавфсизлигининг бошқа чораларига риоя этилмаган эди. Лекин шифокорлар тақиқига қарамай, «Узгипроводхоз»нинг «Ғунча» ва агрегат заводининг «Қизил галстук» пионер лагерларига болалар барибир олиб келинди.

Жумҳуриятэпидемияларга қарши фавқулодда комиссияси барча министрликлар, идоралар, маҳаллий Советлардан жойларда вужудга келган эпидемиология вазиятини бартараф этиш юзасидан чоралар кўришни талаб қилди.

(ЎзТАГ мухбири).

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Совет олимлари — йирик тадқиқотларнинг муаллифларига 15 июнь куни Кремлда фан ва техника соҳасида 1990 йилги Ленин мукофоти лауреатлари дипломлари ва фахрий нишонлари топширилди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг президенти академик Г. И. Марчук мукофотланганларни табриклади ва уларга ижодий муваффақиятлар тилади. У лауреатларнинг асарлари, айниқса, фундаментал тадқиқотлар билан боғлиқ ишлари жаҳон фанида илғор мавқеларни эгаллаб турганлигини таъкидлади. Улар фан ва техникада янги истиқболли йўналишларни очиб беради, халқ хўжалигида катта самара келтиради.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

УРГАНЧ, 15 июнь. ЎзТАГ. Бугун бу ерда халқ депутатлари Хоразм вилоят Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари Орол денгизи районида экология ва ижтимоий вазиятни тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилишни кучайтириш тадбирларини кўриб чиқдилар.

Халқ депутатлари вилоят Совети раиси, Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова маъруза қилди.

Сессияда ўн учинчи беш йилликда ва 2005 йилгача бўлган даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш комплекс режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессияда Туркманистон ССР Тошҳовуз вилояти ва Қорақалпоғистон АССР делегацияларининг бошлиқлари сўзга чиқдилар.

Хоразм вилоят Совети депутатларининг Ўзбекистон ССР Олий Советига Мурожаатномаси қабул қилинди.

Сессияда сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатларига берган ва область ташкилотлари ваколатларига кирадиган наказларини баҳариш тадбирлари кўриб чиқилди.

* * *

БУХОРО, 15 июнь. (ЎзТАГ). Бу ерда халқ депутатлари Бухоро область Советининг сессияси бўлиб ўтди.

Сессия қатнашчилари халқ депутатлари Когон шаҳар ва Қизилтепа район Советларининг аҳоли фаровонлигини оширишга доир ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини тингладилар.

Депутатлар область Советининг фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сессияда халқ депутатлари область Советининг раиси, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

ОРОЛНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУМКИНМИ?

Волга, Севан, Байкал, Орол... Яна қайси ҳаёт манбаи эртага заҳарланган ва қуриган сув ҳавзасига айланади? Москвада, СССР Ёзувчилар уюшмасида 14 июнь куни бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда Орол денгизини ва шу денгизга қуйиладиган дарёларни сақлаб қолиш тўғрисида гап борди.

Айни адиблар биринчи бўлиб жамоатчилик ва давлат арбоблари эътиборини мамлакатдаги фалокатли экология вазиятига қаратиб бонг урган эдилар. Бу гал ҳам ёзувчилар, улар билан биргаликда олимлар, СССР халқ депутатлари Орол муаммолари ҳақида қуйиниб гапирдилар. Ҳар бир кишининг Оролни сақлаб қолишга доир ўз режаси бор.

Масалан, СССР Олий Совети экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг раиси Қ. С. Салиқов аввало Орол атрофидаги одамларнинг ҳаётини қутқариб қолиш керак деб ҳисоблайди. Регионда одамларни тиббий кўрикдан ўтказиш аҳолининг 73 фоизи жиддий касал эканлигини кўрсатди. Бунинг сабаби далалар, пахтазорлар заҳарли химикатлар ва пестицидлар билан заҳарланганлигидир. Бу заҳарли моддалар ер ости сувлари билан дарёларга тушмоқда, дарёлардан эса Оролга келмоқда. Бинобарин тозалаш иншоотларини қуриш, сувни зарарли моддалардан самарали тозалаш керак.

СССР халқ депутати академик А. Л. Яншин Орол денгизи регионда сувдан пала-партиш фойдаланиш натижасида қуриб кетмоқда, деб ҳисоблайди. Жумҳуриятдаги кўпгина вилоятлар далаларни суғоришнинг энг мақбул усулини қўллаш ҳисобига Амударё ва Сирдарёнинг кўп сувини Орол денгизи учун қолдиришлари мумкин.

Таниқли публицист В. И. Селюнин муаммо хусусида ўз фикрини айтди. Ўрта Осиё регионида осойишталик ва тинчлик бўлмас экан, — дейди у, миллатлараро низолар ҳал этилмас экан, мамлакатга қанча пахта етказиб беришни деҳқоннинг ўзи ҳал қилмас экан, — Орол муаммоси ҳал қилинмай қолаверади.

Учрашув қатнашчилари денгизни қутқариб қолиш лойиҳалари билан танишиб бундай хулосага келдилар: бу лойиҳаларни амалга ошириш учун жумҳуриятлараро мустақил комиссия зарур, барча жумҳуриятлардан сайланган қўлида ҳокимият бўлган СССР халқ депутатлари назорати зарур — чунки фалокат ҳамма учун умумийдир. Аммо энг муҳими — далаларда заҳарли моддалардан фойдаланишни Қонун билан тақиқлаб қўйиш зарур.

Ҳа, Орол муаммосини ҳамма бир бўлиб ҳал қилиши лозим. Лекин олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари, СССР халқ депутатларининг хавотирликлари, ёзувчиларнинг куч-ғайратлари беҳуда кетмаяпти. СССР Олий Советининг сентябрь ойида иш бошлайдиган тўртинчи сессияси кун тартибига Орол масаласини киритиш кўзда тутилмоқда.

Е. ШПИКАЛОВА,
ТАСС мухбири.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ТОШКЕНТ КОМПРЕССОРИГА ОЛТИН МЕДАЛЬ

● Варшава, 15 июнь. ТАСС мухбири Михаил Малчун хабар қилади: бугунги кун тошкентлик ноёб ротор компрессори буйёдкорларининг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Улар оригинал қурилмани ихтиро қилиб ясаганликлари учун халқаро Познань ярмаркасининг олтин медалига сазовор бўлдилар. Мукофот бу гал СССР павильони доирасида алоҳида кўргазма ташкил қилган Ўзбекистон миллий совет жумҳуриятн вакилларига бу ерда анъанавий равишда ўтказиладиган тантанали маросим вақтида топширилди.

Биз Совет ҳукуматининг суверен жумҳуриятлар иқтисодий мустақиллигига қаратилган йўлидан фойдаланиб, поляк касбдошлар билан, жумладан, уларнинг қурилиш фирмалари билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатмоқчимиз, деди кўргазма директори Шуҳрат Охунжонов. Катта тажрибага ва эркин ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган поляк дўстларимиз қисқа вақт ичида меҳмонхоналар, сайёҳхоналар ва саёҳатчиларга хизмат қилувчи бошқа иншоотларни сифатли қилиб қура оладилар, гўзал табиатли Ўзбекистонда эса мана шундай иншоотлар ниҳоятда етишмаяпти. Ҳисоб-китобларни қатъий валютада ҳам, шунингдек, ўзаро хом ашё, асбоб-ускуна, товарлар етказиб бериш ҳисобига ҳам олиб бориш мумкин бўлур эди. Келгуси йилдан бошлаб мамлакатларимиз ўз иқтисодий муносабатларида қатъий валютага ўтиши бу ишда қулайлик беради.

Бу йил 38 та давлат қатнашаётган байналмилал кўрикнинг олий мукофотлари юксак техникавий ва истеъмол хоссаларига эга бўлган дунёнинг 10 мамлакатидан юборилган яна 45 та энг яхши маҳсулотга берилди. Халқаро Познань ярмаркасида бу йил мезбонларнинг ўзлари энг кўп мукофот олишди: поляк корхоналарининг экспонатларини мўътабар халқаро ҳакамлар ҳайъати 17 та олтин медаль билан тақдирлади. Япония билан ГФР шундан кейинги ўринларни олишди. Стереомагнитола учун Польшанинг «Унитра» корхонаси эса «Ёш экспортчи» деган фахрий номга сазовор бўлди.

ФУТБОЛ

Тўпурарнинг маҳорати

«Пахтакор» футболчилари мухлисларни қувонтиришди. Улар сафарда Владикавказнинг «Спартак» командаси билан ўйнаб, йирик ҳисобли ғалабага эришдилар. Пахтакорчилар қуйидаги тартибда майдонга тушдилар: Яновский, Шарипов, Билолов, Қосимов, Денисов, Огонесян (Рўзимов, 87), Бондаренко, Пятницкий, Абдураимов (Галиев, 66), Шквирин (Тиллаев, 84), Кабаев. Пахтакорчилар кўтаринки руҳда тўп сурдилар. Учрашувнинг биринчи қисмида қарийб 13 минут ичида спартакчилар дарвозасига учта тўп киритилди.

23-минутда Денисов ҳисобни очган бўлса, 27 ва 36-минутларда Шквирин ҳисобни 3:0 га етказди. 31-минутда Газзаев 11 метрли нуқтадан жарима тўпи киритди. 47-минутда эса Шквирин худди шундай белгидан дарвозани нишонга олди. Орадан икки минут ўтгач, Спандерашвили ҳам жарима тўпи киритишга муваффақ бўлди. Ўйин тугашига саккиз минут қолганда Бабенко якунловчи тўпни дарвозга йўллади.

Пахтакорчилар 4:3 ҳисобида муваффақият қозонишди. Ҳозир Игорь Шквирин ҳисобидаги тўплар 15 тага етди. Тўпурарнинг маҳорати туфайли пахтакорчилар 19 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди. «Спартак» ва «Металлург» коллективлари ҳисобида ҳам шунчадан очко бор. Бугун пахтакорчилар «Котайк» майдонида навбатдаги учрашувни ўтказишади.

●

Кучлилар сараланмоқда

Жаҳон чемпионатида гуруҳлар бўйича иккинчи тур ўйинлари давом этмоқда. Камерун командасининг Руминия футчилари устидан эришган (2:1) ғалабаси шов-шувга сабаб бўлди. Ҳозир Камерун, Италия, ГФР, ЧСФР командалари тўрттадан очко тўплаб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб туришибди. Кеча Австрия — ЧСФР — 0:1, ГФР — Бирлашган Араб амирликлари учрашувида 5:1 ҳисоби қайд этилди. Бугун Ирландия — Миср, Жанубий Корея — Испания, Бельгия — Уругвай футболчилари майдонга тушадилар.

ТУЗАТИШ

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг «1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якунлари тўғрисида»ги ахбороти («Совет Ўзбекистони», 15 июнь, 4-саҳифа)да берилган Ўзбекистон ССР аҳолиси миллати ва тилига қараб бўлиниши ҳақидаги жадвалнинг юқоридан 10-сатрдаги (техник сабабларга кўра нотўғри ўтган) сўнгги рақам «94,0», ушбу саҳифадаги 1-устуннинг пастдан 2-сатри «Татлар» деб ўқилсин.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04624. № 137. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12